*Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил 18 май ЧОРШАНБА

№ 39 (12.363)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимизнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватанимизнинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) бир ой муддатда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишонлари ва гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2011 йил 17 май.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 майдаги ПФ-4306-сонли Фармонига 1-илова*

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватанимизнинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган зиёлилар, фан ва санъат арбоблари, ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермерлар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва бошқа шахслар тақдирланадилар.

2. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 майдаги ПФ-4306-сонли Фармонига 2-илова*

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТАВСИФИ



"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.

Эсдалик нишонининг олд томонида таралаётган қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасига ўрнатилган турналар шакли тасвирланган, унинг қуйи қисмида ер шари тасвири туширилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси харитаси акс эттирилган. Эсдалик нишонининг юқори қисмининг марказида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг юбилей санасини англатувчи "20 YIL" деган ёзув берилган.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 20 YIL" сўзлари ёзилган бўлиб, икки чеккасидан саккиз қиррали юлдуз билан чегараланган.

Эсдалик нишонининг олд томонидаги "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 20 YIL" сўзларининг фони қизил эмаль билан, таралаётган қуёш нурлари, турналар ва ер шари акс этган қисмидаги фон мовий ранг эмаль билан қопланган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмининг марказида "2011" ёзуви қайд этилган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқдир.

Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган.

Эсдалик нишони ҳалқача ва илгакча ёрдамида устки қисмига эни 20 миллиметрли мовий-зангори рангдаги ипак лента ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади.



**Бекобод шаҳри:**

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ЗАЛВОР

## 1. Томчида қуёш акси

**"Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамияти пўлат қуювчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Олимжон Тўйчиев ҳикоя қилади**



– Фаолларнинг мажлисида шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг биринчи чорак якунлари муҳокама қилинаётганида маърузани кўнглимда ўзгача қониқиш билан тингладим. Чунки, қайси соҳа ҳақида гап бормасин, корхонамиз тилга олиниб, металлурглар меҳнати алоҳида қайд қилинди. Ялпи саноат маҳсулотлари ҳажмида корхонамиз ҳиссаси қанчалик салмоқли бўлиб бораётгани билан фахрландим.

Маърузачи маҳаллийлаштириш дастури доирасида корхонамизда бу йил 26 та лойиҳа амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Натижада шу йилнинг ўзида 104,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилажагини айтди. Фақат биринчи чоракнинг ўзида 15 та лойиҳа тўлиқ бажарилиб, 34,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 13 миллион 166 минг долларли маҳсулот Қозоғистон, Эрон ва Афғонистонга экспорт қилинди.

Тўғри, 90-йилларнинг бошларидаги депсинишларни енгиб, корхонани яна оёққа қўйиб олиш, эндигина мустақилликка эришган Ватанимизнинг қора металлга бўлган эҳтиёжини қоплаш, ўзимиздан орттириб, олис-яқин хорижий мамлакатларга металл прокати ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш, мамлакатимиз хазинасига валюта тушумини кўпайтиришга эришиш осон кечгани йўқ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида цехларни қайта қуриш дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар теварагида тортишувлар қизиб кетган эди. Лекин кўпчилик электр билан пўлат эритиш цехини қайта қуриш, асосий фондларни янгилаш, печларни модернизациялаш, пўлатни узлуксиз қуйиш қурилмасини қайта жиҳозлаш, янги газ тозалаш иншоотларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришни автоматлаштириш ғояларини қизғин қувватлаб чиқди. Корхонамиз Германия, Украина, Россия металлурглари билан бевосита ҳамкорликка киришиб, бу мураккаб вазифаларни қисқа муддатда уддалай олди.

Ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилиб, импорт ўрнини босадиган пўлат соққалар ишлаб чиқарила бошланди. Ўша кезлари мамлакатимиз ҳар йили 100 минг тонна шундай соққаларни импорт қиларди. Статистика маълумотларига қараганда, уларни ташиб келтиришдаги узилишлар оқибатида йилига 5 тоннага яқин соф олтин кам ишлаб чиқариларди. 1994 йилдан корхона кон ва олтин саноатига шундай соққаларни керагича етказиб бера бошлади.



Биз изланишни, технологик жараёнларни янгилаш, пўлат қуйиш ва унга ишлов беришни модернизациялаш йўлига ўтиб олдик. Рангли ва чўян металлар эритиш печлари ишга туширилди. Шиша идишлар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. 2001 йилнинг майида соатига 85 куб аргон олиш қувватига эга бўлган ускуна маҳсулот бера бошлади. Ўша йили "СПС-120" ишга тушди. 120 миллиметрли пўлат соққаларни ишлаб чиқариш мамлакатимизга ҳар йили 7 миллион долларни тежаб қолиш имконини берди. 2002 йил августда электрда пўлат эритувчи янги қувват барпо этилди...

Мустақил тараққиётнинг ҳар бир йили шундай қизғин изланишлар, янгиланишлар билан ўта бошлади. Бу жараёнларда довруқли металлурглар Ҳафиз Ғаниев, Саид Нуриддинов, Асад Эргашевларнинг юзлаб издошлари етишиб чиқди. 2010 йили 717 минг тонна пўлат қуйилди. Бу йилнинг уч ойида эса 177,5 минг тонна қора металл эритилиб, олдинги йилнинг шу муддатидагидан 2,9 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бир йил ичида цехларда қувватларни модернизациялаш дастури доирасида 10,2 миллиард сўмлик иш бажарилди. Маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланган ҳолда истеъмолчиларга 34 миллиард сўмлик 28 минг тоннадан ортиқроқ маҳсулот етказиб берилди.

Ватан металлургларнинг меҳнатларини муносиб тақдирламоқда. Юздан зиёд пўлат эритувчи, инженер-техник ходимлар мустақил Ўзбекистоннинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланишди. Касбдошим Абдураҳмон Абдураззоқов билан мен Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдик.

Томчида қуёш акс этади, дейишади. Бизнинг корхонамиздаги саъй-ҳаракатлар "Бекободцемент" акциядорлик жамияти, бошқа қурилиш ташкилотлари, катта-кичик корхоналар, ўқув муассасалари, меҳнат жамоаларига ҳам хос. Бекободликлар бугун юрт равнақини кўзлаб, ўз турмушларини фаровонлаштиришни ўйлаб, ўзгача ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Бугун икки нарсани, яъни Бекобод шаҳри ва қора металлургия корхонасини бирбиридан айро тасаввур қилиш мумкин эмас. Шаҳримиз ҳам шу йилларда янги қиёфада иккинчи ҳаётини бошлади, десам хато бўлмас. Бекобод мустақил Ватанимизнинг йирик замонавий саноат марказларидан бирига айланди. Ҳамшаҳарларимиз давр билан ҳамқадам бўлиб яшамоқдалар ва ҳаммамиз учун ягона Ватан – Ўзбекистонимизни гуллаб-яшнаши, тобора равнақ топиб, иқтисодий, маданий-маънавий салоҳияти юксалиб, бу муқаддас диёр жаҳон ҳамжамияти даврасидан муносиб ўрин эгаллашига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

СУРАТДА: «Бекободцемтаъмир» масъулияти чекланган жамияти ишчиларидан бир гуруҳи.

## ПРЕЗИДЕНТ ДЕҲЛИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибҳа Патилнинг таклифига биноан 17 май куни давлат ташрифи билан Деҳли шаҳрига жўнаб кетди.**

Ташриф чоғида Ўзбекистон – Ҳиндистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**ЎзА.**

## ХОНЖИЗАДА ИШ ҚИЗҒИН

**Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли Хонжиза кони истиқлол шарофати билан халқимизга тортиқ этилди.**

Захираси 30 йилдан ошадиган ушбу кондаги илк ишлар 2007 йилдаёқ бошлаб юборилган эди. Кейинчалик бир қатор нуфузли институтлар билан ҳамкорликда лойиҳалар ишлаб чиқилди. Комбинатнинг йирик лойиҳаси асосида қад ростлаган Хонжиза конбойитиш мажмуасида ишлаб чиқариш жадал давом этмоқда. Капитал қўйилмалар, яъни 145,8 миллион АҚШ долларининг 69 миллиони қурилиш-монтаж ишларига, 76,8 миллиони асбоб-ускуналар, замонавий техник жиҳозлар учун ажратилди ва ўзлаштириб борилаяпти.

**Шотурсун ХАЛИЛОВ.**

**САЙЛОВЛАР**

# ОҚСОҚОЛЛИККА КИМ МУНОСИБ?

**Республикада бўлгани каби воҳамизда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтмоқда. Зангиота туманидаги "Хиёбон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови ҳам амалдаги қонунчилик асосида ўтди. Ҳудуддаги 488 хонадонда 848 оила яшайди. 3380 нафар аҳоли орасидан вакилларни танлаш жараёни ҳам қизғин баҳс-мунозаралар билан кечди.**



Маҳалла аҳли якдил қарорга келиб, 76 нафар вакилни танлаб олди. Ниҳоят, сайлов куни тайин қилиниб, ишчи гуруҳ раиси Тоир Умаров мажлисни очди. Раисликка номзодлар эълон қилингач, вакиллар ўз овозларини беришди. Амалдаги раис Абдусаттор Халилов яна 2 ярим йилга маҳалла юкини зиммасига оладиган бўлди. Вакил ва иштирокчилар янги раисни ушбу шарафли масъулият билан табриклагач, Абдусаттор Халилов мажлисни бошқарди ва унинг маслаҳатчилари сайлаб олинди.

Шу тумандаги Хонобод қишлоғининг "Хонобод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги сайлов ҳам барча қонун талабларига мос равишда, уюшқоқлик билан ўтди. Маҳалла раислигига кўрсатилган номзодларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, икки нафари педагогик ва бири ҳуқуқий билимга эга. Улардан бири сайлов арафасида номзодини қайтариб олди. Шу вақтгача маҳаллага бош бўлиб келган эски раис Салоҳиддин Муҳиддинов ўз хоҳиши билан бу йилги сайловларга номзодини қўймаслигини маълум қилди. Унга миллий анъаналаримизга кўра, чопон ва дўппи кийдирилиб, узоқ йиллар маҳалла ишларига жонбозлик қилгани учун миннатдорчилик билдирилди.



Ишчи гуруҳ раҳбари сайлов мажлисини очиб, номзодларни эълон қилиб, уларни яна бир бор сайловчиларга таништирди. Йиғилган 84 вакил яширин овоз бергач, натижалар эълон қилинди. Сайлов натижаларига кўра, ёш ҳуқуқшунос Рамзиддин Муҳиддинов 50 овоз олиб, маҳалла раислигига сайлангани маълум бўлди. Янги раис мажлисни давом эттириб, маслаҳатчиларни сайлаб олди. Энди раис қонунга кўра 10 кун ичида турли масалалар бўйича комиссиялар таркиби, котиб ва посбонларни тасдиқлатиб олади.

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

СУРАТЛАРДА: (юқорида чапдан иккинчи) қайта сайланган Абдусаттор Халилов фаоллар билан; янги сайланган оқсоқол Рамзиддин Муҳиддинов (ўнгдан иккинчи) маҳалла аҳли билан ўзаро суҳбатда.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Бекобод шаҳри:

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ЗАЛВОР

## 2. Ташаббус ва қатъият – муваффақият қанотлари



Пухта билимли, салоҳиятли мутахассислар, дадил ва ташкилотчи раҳбарлар, элим деб, юртим деб дунё кезаётган тадбиркорлар мустақиллик берган имконият ва имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, йирик ва истиқболли лойиҳаларга қўл урмоқдалар, жаҳон андозалари даражасидаги энг замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни барпо этиб, ички ва ташқи бозорларга рақобатбардош қора металл прокатлари, цемент, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар чиқармоқдалар. Улар хорижнинг дунёга танилган ишбилармонлари ва сармоядорлари давраларига кириб бориб, савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорликни кучайтираяптилар.

– Ҳали бажариб улгурмаган режаларимиз, якунига етмаган лойиҳаларимиз кўп, – деди шаҳар ҳокими Мамасобир Бухорбоев. – Одамларимиз ҳаракатда, жамият жадал ривожланишда.

Ҳоким сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг бугунги самаралари ҳақида гапириб берди. Чиндан ҳам шаҳарда ўсиш суръатлари жадал, ислоҳотларнинг натижалари салмоқли. Фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. 108 миллиард сўмлик капитал сармоялар ўзлаштирилди. Бу 2008-2009 йиллардагидан қарийб икки баравар кўп.

Маҳсулотлар сифати яхшиланаётгани, ижтимоий инфратузилма такомиллашиб бораётгани, барқарор ўсиш суръатлари шаҳарнинг иқтисодий қудратини ошириб, олис-яқин хорижий юртлар ишбилармонларини ўзига тобора ром этаяпти.

Шаҳар ҳокимлигида, унинг статистика ва иқтисодиёт бўлимлари, бевосита корхоналардаги суҳбатларда бунга ишонч ҳосил қилдик. Масалан, фақат шу йилнинг уч ойида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 24 миллиард 210 миллион сўм инвестиция киритилди. Бу сармоянинг 13 миллиард 573 миллион сўми уларнинг ўз маблағлари. Хорижий инвестицияларнинг 11,6 миллион сўми "Бекободцемент" акциядорлик жамиятига, 8 миллиард 221,4 миллион сўми кичик бизнес корхоналарига тўғри келди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологик ускуналарни янгилаш мақсадлари учун "Ўзметкомбинат" ўз маблағлари ҳисобидан деярли 12 миллиард сўм сарфлади. Бу кўрсаткич "Бекободцемент"да 1,5 миллиард сўмга етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ҳудудий инвестиция дастурига кўра, шаҳарда биринчи чоракда 9 та истиқболли лойиҳани амалга оширишга киришилди. "Шоҳона бизнес класс" масъулияти чекланган жамияти қисқа фурсатда истеъмолчиларга сифатли музқаймоқ етказиб беришни йўлга қўйди. Шу кунларда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, сутни қайта ишлаш техника ва технологияларини олиб келиб ўрнатиш қизғин давом этаяпти. Бунинг учун Хитойнинг "Синян" компанияси билан 195,7 минг долларлик шартнома амалга оширилялти. Бу янги қувватлар иккинчи чоракда ишга туширилади.

– Биз 550 минг АҚШ доллари миқдорида кредит оляпмиз, – дейди "Бекобод супер сервис" масъулияти чекланган жамият раҳбари Ғайрат Каримбоев. – Шу ҳисобдан маъданли сув, яхна чой ва мева шарбати чиқарадиган технологик линия олиб келиб, ишга туширамиз. Лойиҳани тўла амалга ошириш йил охиригача 2 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

"Умида", "Нанобетонмакспрогресс", "Бекобод парранда", "Файзулло Файз барака", "Ниҳол қурилиш савдо" масъулияти чекланган жамиятлар, "Бекободтехмонтаж", "Алишербек Файз" хусусий корхоналари ҳам шундай изланишда. Жумладан, "Бекобод парранда"да тухум етиштириш лойиҳаси амалга оширилялти. Бунинг учун 70 миллион сўм сарфланаяпти. Унинг 50 миллион сўми банк кредити. "Ўзбекистон" масъулияти чекланган жамиятидан жўжа олиб боқиб, йилига 3 миллион 600 минг дона тухум етиштирилади. Бу 720 миллион сўм даромад деганидир. Барча ишлар май ойида якунланиб, янги қувват тўла ишга туширилади.



Ҳудудий дастур 7 та корхонани таркибий ўзгартириб, молиявий соғломлаштиришни кўзда тутади. "Умида" жамияти март ойида янги технологик ускуналарни монтажлашни якунлади. Бу лойиҳани амалга оширишга 85 миллион сўм сарфланди. 20 киши бу ускуналарда ишлашга ўқитилди. Янги қувватлар ҳар йили 260 минг дона футболка ишлаб чиқариш имконини беради. Туркиянинг "Тутку карпет" шўъба корхонасига ижарага берилган "Металлист" биноларида эса, хорижий тадбиркорлар биринчи чоракдаёқ 65,8 миллион сўмлик гилам ишлаб чиқаришди.

Ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, унинг турларини кўпайтириб, сифатини яхшилаш ҳамиша эътиборда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида товуқ гўшти, нон ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилаётир. Ўтган йилнинг биринчи чорагида 270 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил шу муддатда 160 фоиз кўпайди. Савдо-саноат палатаси ахборот-маслаҳат маркази директори Шерали Исмоиловнинг айтишича, апрель ойида 5 тадбиркор Хитойда ўтказилган машҳур "CANTON FAIR – 2011" халқаро технологиялар кўргазмасига озиқ-овқат, кийим-кечак соҳаларига мўлжалланган янги технологиялар билан танишиш ва уларни олиб келиш мақсадида боришганди. Ҳозир у ерда имзоланган шартномалар асосида Ўзбек – Хитой савдо уйи билан ҳамкорликда янги технологик ускуналарни олиб келиш чоралари кўрилмоқда.

Ўсиш суръатлари саноатда 2,5, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда 14,2, экспорт соҳасида 31,5, чакана савдо айланмасида 20,9, аҳолига умумий кўрсатилган хизматлар соҳасида 25,5 фоизга кўтарилди. Умуман, турли мулкчилик шаклидаги саноат корхоналарида ўтган йили 694,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хорижий шерикларга шартнома бўйича 215,2 миллион долларлик маҳсулот жўнатилди. "Ўзметкомбинат" 133,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Чет элга 41 миллион долларли маҳсулот экспорт қилди.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) «Ширин Орзу Қувонч» масъулияти чекланган жамияти қадоқловчиси Муножот Алиева; (пастда) «Бекободцемент» ОАЖнинг умумий кўриниши.



# САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

**Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар ижроси доирасида халқаро Қизил Ярим ой ва Қизил Хоч ҳаракати кунига бағишланган тадбир шундай номланди.**

Ундан кўзланган мақсад мактаб санитар постлари аъзоларининг тиббий санитария соҳасидаги билим ва кўникмаларини, биринчи ёрдам кўрсатишдаги тажрибаларини синаб кўриш ва ривожлантиришдан иборат.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тадбирда вилоятимиздан келган 105 нафар "Саломатликнинг ёш дўстлари" иштирок этди. Мусобақа иштирокчилари учун тадбир ташкилотчилари томонидан тўкин дастурхон ёзилиб, турли аттракцион ўйинлар ташкил этилди.

**Саида ЭШМАТОВА.**
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

# УЙ БЕКАЛАРИ ҒОЛИБ

**Аёлларни соғломлаштириш ва спортга оммавий жалб қилиш мақсадида Бўстонлиқ тумани маданият ва спорт ишлари бўлими, Чорбоғ, Сижжак фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида Хўжакент қишлоғидаги 18-ўрта мактабда волейбол бўйича спорт мусобақаси ўтказилди.**

Тадбирда ҳудуддаги уй бекалари, 18-ўрта мактаб ўқувчи қизлари иштирок этишди. Чорбоғ қишлоғи уй бекалари жамоаси 1-ўринни, Сижжак уй бекалари 2-ўринни, 18-ўрта мактаб қизлари жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Мусобақа ғолибларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Малоҳат МАННОПОВА.**

# МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

**Қибрай туманида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари ҳамкорлигида кросс мусобақалари ташкил этилди.**

Югуриш йўлакларига ёшлар билан бирга тадбиркорлик тизими ходимлари, турли корхона ишчи-хизматчиларидан иборат 180 киши 25 та жамоага бўлинган ҳолда чиқишди.

Умумжамоа ҳисобида Байтқўрғон иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш коллежи ғолиб бўлди. Шахсий биринчиликда Тошкент Давлат аграр университети талабаси З. Акбаралиев, Май қишлоғидан тадбиркор Д. Ҳикматиллаева, Ф. Солиҳова юқори натижалар кўрсатишди.

Ғолибларга туман ҳокимининг эсдалик совғалари ҳамда дипломлар топширилди.

**Халил ТУРСУНОВ.**



# БУРЧАКНИНГ ЎЗ ЭГАСИ БОР

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан Миллий банкнинг Чирчиқ филиалида "Тадбиркорлар бурчаги" ташкил этилди.**

Бундан кўзланган асосий мақсад – банк мижозлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорликка оид қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари билан таништириш, уларга йўл-йўриқ ва тушунтириш ишлари олиб бориш ҳамда сифатли банк хизмати кўрсатишдир.

**Шокир ХАЛИЛОВ.**

# ОЧИҚ УЧРАШУВ

**Вилоятда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан очиқ учрашувлар ўтказилмоқда.**

Олмалиқ шаҳри, Қибрай, Зангиота, Юқоричирчиқ туманларида ўтган шундай минтақавий учрашувларда "Ўзбек Лизинг Интернейшенл А.О." компанияси вакиллари иштирок этишди. Уларда ноозиқ ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, газ қуйиш шахобчалари вакиллари қатнашиб, иқтисодиётда хусусий сектор улушини янада оширишнинг долзарб масалаларини кўриб чиқишмоқда.

Шундай минтақавий учрашувлар Бўка ва Янгийўл туманларида ҳам ўтказилади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

КЎРИК-ТАНЛОВ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши Бўстонлиқ туманида "Истиқбол" ёшлар қанотининг "ЎзХДПда ёш сиёсатчи – 2011" кўрик-танлови вилоят босқичини ўтказди. Иштирокчилар тўрт шарт бўйича беллашдилар.**

# БОЛА БОШИДАН

Биринчи шартга кўра, иштирокчилар партиянинг туман ва шаҳарлардаги фаолияти, бошланғич партия ташкилоти олиб бораётган амалий ишлар, туман ва шаҳар кенгашининг ёшлар ҳамда аёллар билан ишлашда эришаётган натижалари тўғрисида маълумот бердилар.

Иккинчи шартда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида", "Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида" ҳамда "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Оила Кодекси, Меҳнат Кодексининг ёшларга оид бандлари бўйича билимлар синовдан ўтказилди.

Учинчи шарт бўйича ёш сиёсатчилар депутатликка номзод сифатида ўз сайловолди дастурлари билан таништирдилар.

Тўртинчи шартда эса кўрик-танлов иштирокчилари туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилоти фаолияти, ёшларни партия сафига қабул қилиш жараёни, "Жамоатчилик қабулхонаси" ишлари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга партия бераётган моддий ва маънавий кўмак каби мавзулардаги видеолавҳаларни намойиш этдилар.

Ҳакамлар ҳайъати Юқоричирчиқ туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси Дамира Эржоновани бир овоздан 1-ўринга лойиқ деб топди. У кўрик-танловнинг Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Кўрик-танловда ўзининг сиёсий билимлари етуклиги билан ажралиб турган Оҳангарон туман маиший хизмат касб-ҳунар коллежи тарих фани ўқитувчиси Феруза Дадажонова 2-ўринни эгаллади. 3-ўринга эса ЎзХДП Бекобод туман кенгаши бўлим мудири Зоиржон Аҳмедов ва Қибрай тумани Тошкент Давлат аграр университети 2-босқич талабаси Ҳасан Неъматов лойиқ топилди. Шунингдек, кўрик-танловнинг "Энг яхши нотиқ" ва "Энг ташаббускор ғоялари учун" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, партиянинг вилоят кенгаши томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТИ

# БИНОДАГИ БИРИНЧИ ТЎЙ

**Зангиота туманида 2-ФҲДЁ бўлими учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Икки қаватли бинодан давлат нотариал идораси ҳам ўрин олган.**



– Бинонинг очилиш маросими тантанали ўтди, – дейди 2-ФҲДЁ бўлими раҳбари Юлдуз Роҳатова. – Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева рамзий тасмани кесиб, келажакдаги фаолиятимизга муваффақият тилади.



ФҲДЁ илк мижозларини ҳам қабул қилди. Бу ерда ёш келин-куёвлар Рустам Зоҳидов ва Зилола Мўминжоновалар тантанали равишда рўйхатдан ўтишди. Шунингдек, Нусрат ва Мунира Иброҳимовларнинг 50 йиллик олтин тўйлари нишонланди.

**Отабек САИДОВ.**

СУРАТДА: янги бино мустақилликнинг 20 йиллигига туҳфа бўлди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# МИНГЛАР ИЧРА САРАСИ

**Янгийўл туманидаги 5-мактабда қизларни спортга жалб қилиш, спортнинг аёлларга мос турларини оммавийлаштириш мақсадида бадиий гимнастика бўйича "Камолот" ғунчалари" мусобақасининг вилоят финал босқичи ўтказилди.**

Мусобақа вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш, "Маҳалла" хайрия жамғармалари, Қизил Ярим ой жамияти, "Адолат" СДП вилоят кенгашлари, Гимнастика Федерацияси, "Соғлом авлод учун" вилоят халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Вилоят босқичида шаҳар ва туман босқичларининг 108 ғолиби қатнашди.

Беллашувлар сўнгида ғолибларга ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдуз ШУКУРОВА.**



# НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР КЎМАККА ТАЙЁР

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, охирги 10 йил ичида аёллар орасида хавфли ўсма касалликлари кескин ортди. Уларнинг олдини олиш, касалликка чалинган аёлларга замонавий, малакали тиббий хизмат кўрсатиш ҳар қачонгидан кўра долзарб масалага айланди.**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам бу ҳаракатга ҳисса қўшмоқда. Хусусан, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси турли илмий-ўқув семинарлари воситасида аёллар ўртасида тарғибот-тушунтириш олиб бормоқда. Қатор тадбир ва ҳомийлик маблағлари ёрдамида беморлар дардига малҳам бўлишмоқда.

Яқинда кенгашнинг вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган "Ҳаёт учун" марафони ҳам шу савобли мақсадлар йўлида ташкил этилди.

– Марафон кўкрак бези саратонининг олдини олиш, унинг диагностикаси ва бемор аёлларнинг даволанишларига ёрдам беришга қаратилган, – дейди кенгашнинг вилоят бўлими раиси Гулнора Тўхтаназарова. – Энг муҳими, вакилларимиз хасталикка чалинган аёллар билан мунтазам учрашиб, уларнинг руҳини кўтаришга уринишади. Чунки соғайишга ишонч туғилишининг ўзи ярим муолажа демакдир.

**Саид АСҚАРОВ.**

СУРАТДА: марафондан лавҳа.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Бекобод шаҳри:

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ЗАЛВОР

## 3. Баркамол авлод – юрт таянчи

Дастлаб апрелнинг сўнгги кунларида Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар хусусида. Уларнинг биринчиси – "Ниҳол – 2011" кўрик-танловининг шаҳар босқичи тиббиёт коллежининг катта залида ўтди. Ёш истеъдодлардан 27 даъвогар эстрада ва миллий қўшиқчилик, рақс ҳамда театрлаштирилган томошалар бўйича ўз ижрочилик маҳоратини намойиш этди. Санъат коллежи ўқувчилари Ойдин Норқулова билан Зулфия Каримова мусиқа, тиббиёт коллежи ўқувчилари Анора Алимова, Хуршида Юсупова, Шаҳло Мамарасулова рақс, Юлдуз Нурматова билан Одил Ҳакимов анъанавий, Бахтиёр Юсуфалиев, Озода Маҳкамова, Дилноза Исломова, Қаҳрамон Алиқулов, Абдуҳамид Тожиаҳмедов, Омонали Назарқулов эстрада қўшиқчилиги йўналишлари бўйича ғолиб чиқиб, танловнинг вилоят босқичига йўлланмалар олишди.

Иккинчи тадбир 7-мактабда "Биз – моҳир қўлларимиз" шиори остида ўтди. Ишбилармон ва тадбирли ўқувчилар ярмаркасида навқирон истеъдодлар ранг-тасвир асарлари, буклет, ёғоч ўймакорлиги буюмлари, бисер-тўқув намуналари, бошқа ҳунармандчилик ва кулинария маҳсулотларини намойиш қилишди.

Учинчиси – ёш иқтидорлар кўриги 9-мактабда ўтди. У космик фазонинг забт этилишига бағишланди. Ўқувчилар космонавтика тарихига оид билимларини намойиш қилишди. Ракета макетлари ва ранг-тасвирларни ҳамма қизиқиб томоша қилди. Рустам Хўжаназаров ясаган ракета макети улар орасида алоҳида ажралиб турарди. Бошловчи шоирлардан Амирхон Аъзамов билан Шаҳзода Бадалованинг фазо ва фазогирлар жасоратига бағишланган шеърларини ҳамма завқ билан тинглади.

Тўртинчиси – "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида тиббиёт коллежида ўтган ёшлар фестивалида мустақил Ўзбекистон, озодлик, истиқлол, бахтли ёшлик ҳақида қўшиқлар янгради.

– Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида бундай тадбирлар турли муассасаларда ҳар куни ўтаяпти, – деди шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Улуғбек Абдуназаров. – Улар йигит-қизларнинг маданий камолотига, маънавий-ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиб, айни пайтда янги-янги истеъдодларни, иқтидорли ёшларни аниқлаб олишга имкон бераяпти, ўсмирларда Ватанга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш туйғусини кучайтираяпти.

Маънавий баркамол, ижодга, меҳнатга иштиёқманд ёшларни камол топтириш учун Бекободда кўп ишлар қилинаяпти. Чунончи, санъат коллежининг янги биноси қуриб битказилди.

– Шу бино Президентимизнинг ёш санъат ҳаваскорларига ажойиб совғалари бўлди, – дейди коллеж директори Солижон Саидумаров. – Унгача билим даргоҳимиз етти жойга кўчиб ўтганди. Бу муҳташам санъат кошонасини давлатимиз раҳбарининг фармонлари асосида апрель ойида бунёд этишга киришиб, қурувчилар қисқа фурсатда битказишди. "Бегижон Мирза ота" хусусий фирмаси жамоаси олти ойда 823 миллион 250 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди.

Бугун бу кошонада 312 иқтидорли бола ижрочилик санъатини эгалламоқда. Ҳеч бир кўрик-танлов, оммавий-маданий тадбир йўққи, улар иштирок этишмасин. Ўқувчилардан Эламас Абдуллаев билан Таня Терентьева скрипка бўйича мамлакатда биринчи ўринни эгаллашди.

Халқ таълими соҳасидаги ютуқлар ҳам бўй кўрсатмоқда. Умуман, баркамол авлод тарбиясига шаҳардаги 22 та мактабгача таълим муассасаси, 17 та мактаб, олти коллежда металлургия ва қурилиш материаллари саноати корхоналари, тадбиркорлик таълим ва тиббиёт соҳалари учун малакали ишчи кадрлар тайёрланаётир. Битирувчиларнинг ишга жойлашиши сўнгги уч йилда 68 дан 75 фоизга, олий ўқув юртларига кириши 3,9 дан 5,6 фоизга кўтарилди. Эндиликда Бекободнинг юзлаб ўғил-қизлари Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар олий илмгоҳларида билим олишмоқда.

Бугун мактабларда ўқувчиларнинг 80 фоизи турли тўгаракларга қатнашиб, ўзлари ёқтирган йўналишлар бўйича билимларини чуқурлаштирмоқда. Ўтган йили 3- ва 7-мактаб вакиллари вилоят фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллашди.

Айниқса, 9-умумий ўрта таълим мактабида жисмоний, маънавий-маданий тарбия, ўқувчиларга билим бериш жараёнлари самарали ташкил этилган. 8-9-синф ўқувчилари "Мустақиллик – оилам тақдирида" давра суҳбатида янгиланиш жараёнларининг самаралари ҳақида фикрлашишди. 8-синф ўқувчилари "Мустақиллик мадҳи – болалар ижодида" мавзусида иншо ёзишди. 6-7-синф ўқувчилари "Озод юрт манзаралари" расмлар танловида ижодий салоҳиятларини намойиш қилишди. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" бадиий ўқиш ва қўшиқлар танлови ўтказилди. "Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси" давра суҳбатида ўқувчилар мамлакатимизнинг бой маданий-маънавий мероси ҳақида сўз юритишди. Депутат А. Тоштемиров билан "Мустақиллик неъматларини асрай билайлик" мавзусида учрашув ўтказилди.

Янги авлод камол топаяпти, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга фаол кириб бораяпти. Мустақиллик йилларида ўсиб-улғайиб, бугун меҳнат фаолиятини бошлаётган минглаб йигит-қизлар ўз келажакларини, бахт-иқболларини яратмоқдалар.












**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) 11-мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси; (ўртада) тиббиёт коллежининг умумий кўриниши; (пастда) мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Наталья Логутина машғулот ўтказаяпти.

---

**ХХI аср ва ДУНЁ**

### «ҚОРА ҚУТИ» ТИЛГА КИРДИ

**Атлантика уммони ҳавосида ҳалокатга учраган А 330-200 аэробусининг "қора қути"сидаги ёзувлар олинди.**

Air France авиакомпаниясига қарашли аэробус ҳалокати сабабларини ўрганувчи комиссия самолётнинг ўзи ёзиш аппаратидаги ҳамма маълумотларнинг нусхасини олишга эришди. The Wall Street Journal нашри комиссия вакилларининг сўзларига таяниб, шу хабарни тарқатди.



Франциянинг ҳалокатлар сабабларини аниқлаш билан шуғулланувчи фуқаро авиацияси хавфсизлигини тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш бюроси вакиллари ҳам овоз ёзиб олиш аппаратининг сўнгги икки соат ичидаги ёзувларини олишга муваффақ бўлдилар. Тўпланган ҳамма маълумотлар синчиклаб таҳлил этиш учун юборилди. Текширишларни бир неча ҳафта давомида якунлаш режалаштирилмоқда. Ёзувлар мазмунини аниқлаш ҳақидаги атрофлича оралиқ ҳисобот ёзга бориб эълон қилинади.

"Қора қути" 3,5 километр чуқурликдан топилди. Унга деярли шикаст етмаган. Комиссиянинг вазифаси – самолётнинг ҳалокатга учраши билан боғлиқ ҳақиқий вазиятни қайта тиклаш. 228 кишининг ўлимига сабаб бўлган бу ҳалокат Атлантика уммони узра кучли пўртана пайтида юз берган.

### СТРОСС-КАН НЬЮ-ЙОРК ТУРМАСИДА

**Халқаро валюта фонди (ХВФ) раҳбари Доминик Стросс-Кан Нью-Йоркдаги Райкерс-Айленд қамоқхонасига келтирилди.**

BBC News шу ҳақда 17 май куни тарқатган хабарда айтилишича, Стросс-Кан бу ерда ўз иши устидан суд бўлишини кутиб ётади. Хавфсизлигини таъминлаш мақсадида у бир кишилик камерада сақланади.

Райкерс-Айленд турмасида, одатда, майда жиноят содир этганлар қамоқ муддатини ўтайдилар. Шунингдек, суд жараёнини кутаётганлар ушлаб турилади.

ХВФ раҳбари шаҳвоний ҳаракатга мажбурлаш, зўрлашга уриниш ҳамда озодликдан ноқонуний маҳрум этишда айбланмоқда. Жумладан, Нью-Йоркдаги Sofitel меҳмонхонасининг 32 ёшли ходимаси хонани тозалаш учун кирганида Доминик уни шаҳвоний ҳаракатга мажбурламоқчи бўлган.

Стросс-Кан бу айбларни рад этмоқда.

---

НИГОҲ

# СЎҒД УРАН ҲАЛОКАТИ

**"Комбинат №6". Тожикистоннинг Чкалов шаҳридаги уран қазиб чиқариш заводи шундай аталарди. Кейинчалик у "Востокредмет" деб номланди.**

"Агар биз бўлмаганимизда, Россияда ядро қуроли ҳам бўлмасди". Чкалов ва ярим ҳувиллаб қолган қўшни шаҳарларда қолган, энди дўкончалар атрофида уймалашувчи уй-жойсиз, рамақижон пиянисталар шундай деб ўзларича ғурурланишади. Иттифоқ парчаланиши билан уран қазиб чиқариш ҳам тўхтади. Шахта ва қайта ишлаш корхоналари эллик йил давомида катта миқдордаги чиқиндиларни ҳосил қилди. Улар радиоактив ахлат сифатида Тожикистоннинг бутун шимоли бўйлаб сочилиб кетган. Бу хавфли чиқиндиларнинг "қабр"лари республиканинг Сўғд вилоятида тўпланган. Турли тахминларга қараганда, бу ерда 54 миллион 800 минг тонна чиқинди "дафн этилган". Ураннинг ярим парчаланиш даври жуда узоқ чўзилади. Бу чиқиндилар ҳали бир неча юз йиллар давомида хавф солиб туриши мумкин.

Юзлаб гектар майдонни эгаллаб ётган бу чиқиндиларнинг усти махсус беркитилмагани учун радиоактив моддалар ҳамиша юзага қалқиб, ҳаво ва сувда тез тўпланиб бораяпти. Радиоактив чиқиндиларни трансчегара дарёларига оқизиш хавфи ҳам жуда кучли. 36 минг тонна чиқинди тўкилган Дегмай шаҳарчаси билан Сирдарё оралиғидаги масофа бир километрга ҳам бормайди. Ҳолбуки, бу дарё фақат Тожикистон эмас, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудидан ҳам оқиб ўтади.

Сўғд вилоятидаги уран чиқиндилари Дегмай тепалигида 90 гектар майдонни эгаллаган. Радиация ўнлаб километр доирада, шу жумладан Хўжанд шаҳрига ҳам тарқалмоқда. Микрорентген/соат меъёри 57 бўлгани ҳолда Хўжандда 120 дан ҳам юқори. Сўғд вилояти бўйлаб ёйилган шахталар ҳудудида шундай жойлар борки, радиацион ҳолат 1000 микрорентген/соат ва ундан ҳам баланд.

Сўғд вилоятидаги чиқиндилар радиоактив радон гази ажралиб чиқадиган манба эканлиги ҳам юзага келган вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Пайдо бўлган ёриқлар эса, чиқиндининг қуйи қатламлари устини очиб, яланғочламоқда. Ҳолбуки, бу чиқиндиларда радиация даражаси шундоқ ҳам ўлимга олиб келадиган даражада юқори. Радон нурлари ҳамда кенг тарқалаётган радиацион чанг яқин атрофдаги аҳолига ҳалокатли таъсир этмоқда. Сўғд вилоятида онкологик хасталикларга чалинганлар йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Энг ачинарлиси – уларнинг кўпи болалар ва ўсмирлар.

Вилоятнинг Табошар шаҳри ҳамда Адрасмон шаҳарчаси яқинидаги чиқиндихоналарда ҳам аҳвол шундай. Бу радиация манбалари аҳоли ҳовли-жойлари, шунингдек, кичик дарёларга яқин бўлганлиги боис жуда хатарли. Шу сабабли, аҳоли баҳор келишини даҳшат билан кутади. Негаки, кўплаб жалаёмғирлар, сел оқимлари радиоактив чиқиндиларни ўша дарё, ариқ ва жилғаларга оқизиб туширади. Маҳаллий аҳоли истеъмол қилиш ва экинларни суғориш учун шу заҳарланган сувдан фойдаланади. Оқибатда аҳолининг 70 фоизи эпидемик буқоқ хасталигидан азият чекади. Сўғд вилояти Ғафуров туманидаги Эски Табошар, Иззали, Каттаоличали аҳоли истиқомат жойларида гўдаклар ўлими, нуқсон билан туғилиш, аёлларда ҳомила тушиши кўпайиб бораяпти.

Радиоактив чиқиндилар кўмилган жойлардаги жарларда баҳор, ёз ва кузда ёмғир ва эриган сувлар тўпланиб, яқин-атрофдаги қишлоқларда яшовчи аҳоли молларини заҳарламоқда. Тожикистонда ҳеч қандай муҳофазасиз 370 радиоактив чиқиндихона бўлиб, ёмғир ва эриган сувлар уларни ювиб, сел ва шамоллар ҳар томонга тўзитади. Статистик маълумотларга кўра, Сўғд Тожикистондаги аҳоли энг зич жойлашган вилоят бўлиб, миллиондан зиёд киши ҳалокатли касалликка чалиниш хавфи остида яшайди. Айтиш мумкинки, бу ердаги ҳалокатли вазият Чернобиль АЭСсидагидан қолишмайди.

МАГАТЭ ҳукумат ва халқаро жамиятлар эътиборини ушбу ҳалокатли вазиятга қаратиш мақсадида бир нечта махсус тадбирлар ўтказди. Агентликнинг таклиф-тавсияси билан 100 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ ажратилди. Фақат Табошардаги энг йирик чиқиндихонани қайта тиклаш лойиҳаси учун Тожикистон 30 миллион доллар олди. Ажратилган ушбу ёрдам маблағининг асосий қисми амалдорлар ҳамёнига кирди. Қолган пул ҳисобидан эса, ҳукумат шу мавзуда халқаро учрашувлар ташкил этди. Табошарда меҳмонларга бир нечта шағал тўкилган жойларни кўрсатиб, уларни муҳофаза қилиш ишлари бошланган деб, хотиржам қилишди. Лекин, афсуски, иш шундан нарига ўтмади.

Бугунги кунда Тожикистон Ядро ва радиация хавфсизлиги агентлиги маълумотларига кўра, ҳамма чиқинди "қабристон"ларини қайта соғломлаштириш учун 300 дан 500 миллионгача АҚШ доллари керак бўлади. Бу маълумотлар Агентлик ҳар йили МАГАТЭга тақдим этадиган ҳисоботдан олинди. Ҳукумат совет тузумидан қолган оғир мерос ҳамда ҳалокатли вазиятни мустақил бартараф этиш учун бюджетда маблағ йўқлигини рўкач қилиб, қўл қовуштириб ўтирибди.

Ишлатиб бўлинган ядро ёнилғисини зарарсизлантириш, сақлаш ва фойдаланиш бўйича Тожикистон қўпол равишда бузаётган бир қатор халқаро шартномаларни бир четга қўйиб турайлик. Аммо, ўз халқига бундай муносабат Тожикистон Республикаси Конституциясига ҳам мутлақо тўғри келмайди. Асосий қонунда эса, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, мол-мулкига дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган. Бундан ташқари, президент Имомали Раҳмон фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ягона кафилидир. Афтидан, Конституция собиқ совхоз директорининг яхши кўрган асарларидан эмасга ўхшайди.

**Рамазон МАВЛОНОВ.**
**www.centrasia.ru**

### ПОРТУГАЛИЯ ХАЛҚАРО ҚАРЗ ИСКАНЖАСИДА

**Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг молия вазирлари давлат қарзларини узиш учун Португалияга кредит ажратишни ёқладилар.**

AFP агентлигининг таъкидлашича, Португалияга 78 миллиард евро қарз берилади. Бунга жавобан Португалия ҳукумати бюджетдаги камомадларни камайтириш учун қатор чоралар кўриши лозим. Бу камомадлар 2011 йилда ички ялпи маҳсулотга нисбатан 5,9 фоиз, 2012 йилда 4,5 ва 2013 йилда 3 фоиз бўлиши керак.

AFPнинг ёзишига кўра, Португалияга кредит беришда Финляндияда янги коалицион ҳукумат тузилгани ҳал қилувчи роль ўйнаган. Яъни Европа зонаси мамлакатларига кредит ажратишга қарши чиқадиган Perussuomalaiset партияси янги ҳукумат таркибига кирмаган.



**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

---

АНЖУМАН

# МЕТРОДА НИМА ГАП?

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Тошкент метрополитени" Давлат унитар корхонаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари, муаммо ва ечимлар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

Тошкент метрополитени узунлиги 39 километр бўлиб, Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Мустақиллик даврида Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг аҳоли зич ҳисобланган Юнусобод туманида метрополитеннинг 7,6 километр узунликдаги 6 та бекатдан иборат Юнусобод йўналишининг биринчи навбати ишга туширилди. Шаҳар транспорт воситалари орасида экологик тоза ҳисобланган Тошкент метрополитени ҳар куни 180-200 мингга яқин йўловчиларга хизмат қилмоқда. Метрополитен ускуна ва иншоотлари техник ҳолатини яхшилаш, зарур эҳтиёт қисмларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

---

## Ўзбекистон Республикаси «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ. II БОСҚИЧ» ЛОЙИҲАСИ

**Кредит № 4433 Ўз**

**Ўқув-семинарларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича консультация хизматларини кўрсатишда қизиқиш билдирувчилар диққатига**

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ)дан, "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш, II босқич" лойиҳаси учун ажратилган кредитнинг муайян қисмини фермерлар ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш учун консультация хизматлари кўрсатишга сарфлаш кўзда тутилган.

Ташкилотлар "Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш усуллари (пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик)" мавзусида дала ўқув-семинарини ўтказишлари талаб этилади.

**Шартномага асосан қуйидаги техник топшириқларни бажариш юклатилади:**

– Фермерлар ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун "Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш усуллари (пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик)" мавзу-йўналиши бўйича жорий йилнинг июнь-июль ойларида дала шароитида бир кунлик ўқув-семинарларига мўлжалланган ўқув-режаси ва амалий ўқув материалларини тайёрлаш ва амалга ошириш.

– Дала ўқув-семинарлари лойиҳада кўзда тутилган еттита: Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ўтказилади.

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ваколатли миллий консультацион-маслаҳат ташкилотларини юқорида кўрсатилган хизматларни амалга ошириш учун ўз қизиқишларини билдиришга таклиф этади.**

Қизиқиш билдирувчи ташкилотлар етарли малакага эгалиги (мазкур йўналишдаги тажрибаси, тегишли малакалари ифодаланган ахборотлар) ҳақидаги маълумотномалар тақдим қилишлари зарур. Ташкилот/консультантлар юқорида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш бўйича малакага эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳамда машғулот олиб борадиган лектор, мутахассис-тренерлар ҳақида батафсил маълумотлар илова қилишлари шарт. Тавсия этилаётган асосий лекторлар бўйича: қишлоқ хўжалигида ёки тегишли соҳадаги малакасига, таклиф этилаётган мавзу-йўналишлар бўйича таълим беришда камида беш йиллик тажрибага эгалиги, соҳавий кўникмалар ва ўқув-режалари ҳамда ўқув материалларини тайёрлаш малакаси каби талабларга жавоб бериши лозим.

Қизиқиш билдирган ташкилот/консультантлар ўқув курсига киритиладиган дала ўқув-семинар мавзусини қисқача баён этиши зарур. Шунингдек қизиқиш билдирувчи ташкилот/консультантлар ўқув курслари бўйича тегишли лойиҳаларнинг шундай ва бир неча турдош соҳалари бўйича курсларни ўтказганлиги ҳақидаги маълумотларни аниқ-равшан баён этиши лозим.

Ташкилот/консультантлар Жаҳон банки томонидан 2004 йил мартида тасдиқланган қўлланмаси асосида, ташкилот/консультантларни танлаш таомилларига мувофиқ саралаб олинади ҳамда танлов уларнинг квалификацияларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Қизиқиш бидирувчи ташкилот/консультантлар ўзларининг тақдимномаларини электрон почта ёки факс орқали 2011 йил 1 июнга қадар юборишлари керак, шунингдек, қўшимча маълумотлар олиш учун дам олиш кунларидан ташқари соат 10.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта тузиш агентлиги, 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-Б. Факс (+99871) 237-16-57. Телефон: (+99871) 237-05-94, 150-55-36. Электрон почта: resp@sks.uz**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг
Тел: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

